

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>М.Холиқов, М.Мелиқўзиева</b>	
Балиқларда учрайдиган юқумли касалликлар.....	163
<b>И.Сиддиқов</b>	
Олий таълим муассасалари ходимларини бошқаришнинг замонавий усуллари.....	167
<b>И.Рахимов</b>	
Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг стратегик босқичлари.....	171
<b>Ф.Абдулбоқиев</b>	
Фарғона водийси демографик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	175
<b>М.Саидакбарова</b>	
Алишер Навоий жамият равнақи ва инсон омили ҳақида.....	179
<b>Я.Нишанов</b>	
Бадиий асарнинг миграция омиллари.....	182
<b>Г.Қосимова</b>	
“Бобурнома”да эпик баён ва лирик ифода.....	184
<b>Г.Орипова</b>	
Лирик композицияда қофиянинг ўрни.....	187
<b>Ш.Каримова</b>	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигида қўшма гапларга турли ёндашувлар.....	190
<b>Э.Ибрагимова</b>	
Сўзловчи муносабатининг эстетик функцияси.....	192
<b>Д.Рустамов</b>	
Мулоқот турлари классификацияси хусусида.....	195
<b>Г.Розиқова,</b>	
Маҳмуд Кошғарий “Девон” ида нон билан боғлиқ тушунчаларнинг лисоний ифодаси.....	201
<b>М.Алиева</b>	
Терминологик майдон бирлиги.....	204
<b>М.Абдураҳманов</b>	
Таржимада муқобилсиз лексиканинг айрим хусусиятлари .....	208
<b>Г.Исакова</b>	
“Қанотли сўзлар”да ватанпарварлик туйғуси.....	211
<b>С.Қурбонова</b>	
Прагматик тадқиқот асосларига доир.....	214
<b>Н.Ахмаджонов</b>	
Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прецедент номларнинг ўрганилиши.....	217
<b>Х.Сотвалдиева</b>	
Халқ мақоллари ва маталлари, улардан дарс жараёнида фойдаланиш.....	221
<b>Р.Юлдашов</b>	
Педагогик ташхис – ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш воситаси.....	225
<b>М.Рустамов</b>	
Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамияти.....	228
<b>А.Тураханов</b>	
Техник тайёргарлик жараёнида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари.....	231

#### ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

<b>Забардаст туркийшунос олим.....</b>	<b>234</b>
<b>Академик Шокир Қосимович Фармонов 80 ёшда.....</b>	<b>237</b>

МАҲМУД КОШҒАРИЙ “ДЕВОН” ИДА НОН БИЛАН БОҒЛИҚ ТУШУНЧАЛАРНИНГ  
ЛИСОНИЙ ИФОДАСИ

ЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ ОТРАЖЕНИЕ ПОНЯТИЙ, СВЯЗАННЫХ С ХЛЕБОМ В “ДИВАНЕ”  
МАХМУДА КАШГАРИ

LINGUISTIC EXPRESSION OF THE CONCEPT “BREAD” IN “DIVAN” BY MAHMUD  
KASHGARIY

Г.Розиқова<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Г.Розиқова

—ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент.

**Аннотация**

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари туркий тиллар луғат бойлигини кўрсатувчи бебаҳо манба бўлиб, унда маиший турмушга доир бир қатор лексемалар ҳам изоҳланган. Озиқ-овқат номлари парадигмасига кирувчи лексемалар шулар жумласидандир. Мазкур мақолада асарда қўлланган нон билан боғлиқ лисоний бирликлар таҳлил қилинган.

**Аннотация**

“Дивану луғотит-турк” Махмуда Кашгари является бесценным источником словарного запаса тюркских языков, что также объясняет ряд лексем, связанных с повседневной жизнью. К ним относятся лексемы, которые входят в парадигму названий продуктов питания. В этой статье анализируются лингвистические единицы, связанные с хлебом, используемым в произведении.

**Annotation**

Mahmud Kashgari's "Devonu lug'otit turk" is an invaluable source of vocabulary of Turkic languages, which also explains a number of lexemes related to everyday life. These include lexemes that fall into the paradigm of food names. This article analyzes the linguistic units related to bread used in the play.

**Таянч сўз ва иборалар:** концепт, лексема, семема, парадигма, истилоҳ.

**Ключевые слова и выражения:** концепт, лексема, семема, парадигма, термин.

**Keywords and expressions:** concept, lexeme, semema, paradigm, term.

“Девон” лексикаси турфа бўлиб, унда қорахонийлар даври туркий халқларининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, диний, маиший, маданий, маърифий ҳаётини акс эттирувчи сўз бойлиги ўз ифодасини топган. Луғатдан ўрин олган лексик бирликларнинг аксарияти ўша замонда ҳаёт кечирган туркий қабилалар, қавм ва халқларнинг барчаси учун муштарак бўлган. Айни чоғда ҳамма туркийлар учун умумий ҳисобланган лексемалар қатори, муайян тилгагина хос бўлган истилоҳлар ҳам сўз бойлигидан ўрин олган [1,21]. Маҳмуд Кошғарий зукко тилшунос сифатида сўзнинг туб моҳиятини чуқур ва нозик идрок этади. Моҳир тилшунос ҳар бир сўзнинг халқ орасидаги, ижтимоий табақа, катталар ва болалар ўртасидаги қўлланишидаги маъно қирраларини кўра олган ва кўрсата олган. Луғат тафаккурнинг бой ва мураккаб тарихидан дарак беради. Асарда озиқ-овқат номлари гуруҳига кирувчи лексемаларга ҳам кенг ўрин берилган бўлиб,

нанна” деб, илк озуқа, тирикчилик манбаи, ризқу рўзи бўлган муқаддас неъматни

нон билан боғлиқ лексемалар шулар жумласидандир.

“Ўзбек тилида ва бир қатор бошқа тилларда нон концепти энг қадимий, энг улуғ, энг ноёб, энг танқис, энг муқаддас неъматни ва у билан боғлиқ тушунчалар, қадриятлар мажмуини ифодалашини билан алоҳидалик касб этади. Нон концепти замирида ўзбек халқига хос меҳмондўстлик, меҳнаткашлик, тантилик, ўзига хослик, соддалик каби одамийлик хислатлари, ўзбекона урф-одатлар, аънаналар билан боғлиқ қадриятлар сираси жамланганки – бу, ўз навбатида, бир қатор лингвомаданий хусусиятларга ҳам эга...[5,165] Форс-тожикча сўз бўлиб, “хамирдан тайёрланиб, тандирда, ўчоқ, това ва ш.к.да пишириладиган егулик” [6,57] маъносини англатувчи нон тушунчаси Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида бир қатор лексемалар воситасида жуда кўп ўринларда изоҳланган. “Нон шу даражада қадри, муқаддас бўлганидан эндигина тили чиқаётган болакай ҳам “на-на-танийди ва ундан озиқлана бошлайди” [5,166]. Қадимда болаларнинг мана шундай

ҳолатига ҳам махсус сўзлар мавжуд бўлганлигига “Девон”ни ўқиш жараёнида гувоҳ бўламиз. Муаллиф *эбък* сўзини шундай изоҳлайди: “*эбък* – болалар тилида “нон” ёки “нанна” демақдир” [2,64].

Нон тайёрлаш учун энг зарур маҳсулот ундир. *Ун* – “турли экинлар донини, асосан, буғдойни тегирмонда тортиш йўли билан олинадиган кукунсимон озуқа” [7,287]. Хамир эса “одатда унни сув, ёғ, тухум ёки сутга қоришдан ҳосил бўладиган юмшоқ чўзилувчан қоришма” [7,382]. “Девон”да *ун* сўзи “хамир” маъносида ҳам қўлланган. Мазкур сўз англатган маъно унинг бошқа сўзлар билан синтагматик муносабати асосида юзага чиққан: *ол унуғ ўзләди* – у хамирни иссиқ кулда пиширди [2,199].

Асарда нон тушунчаси турли қабилаларда турлича ифодаланиши кўрсатилади. Жумладан, турклар нонни *этмък* [2,87] десалар, яғмо, тухси ва баъзи ўғуз ва қипчоқлар бу сўздаги т товушини п га алмаштириб, *элмък* [2,86] тарзида талаффуз қилишлари кўрсатилади. Бу сўзлар жинс тушунчасини ифодаловчи сўзлар сифатида ноннинг барча турларига нисбатан қўлланади.

Ҳ.Дадабоев асл туркча *этмък* лексемасининг қадимги туркий тил битикларида учрамаслиги, XIII-XIV аср эски туркий тил обидаларида, хусусан, “Таржумон”да кенг қўллангани, Алишер Навоийнинг “Хайрат ул-аброр” достонида бу сўз *эмък* шаклида ишлатилгани, сўзнинг А.Навоий қўллаган шакли айна маъноси билан ҳозирги турк тилида ишлатилаётгани ҳақида маълумот беради [1,73].

“Девону луғотит турк” асарида ноннинг бир қатор турларига хос номлар ҳам келтирилади. Масалан, *сінчў* (лочирадек жуда юпқа ҳам, қалин ҳам бўлмаган бир турли нон) [2,280], *бўшқал* (лочира, юпқа нон, ҳоқонияликларнинг сўзи) [2,318], *бўскач* (юпқа нон) [2, 301], *кўвшък* *әтмак* (яхши хамирдан бўлган нон) [3,317] каби. “Таржумон”да “юпқа” тарзида изоҳланган *ўупқа этмък* бирикмаси (16 Ъ 17) маъно нуқтаи назаридан *сінчў* сўзига маълум даражада яқинлашади. М.Кошғарий *қара этмък* бирикмаси билан аталган бир хил нонга қуйидагича изоҳ беради: Шундайки, гўшт ҳил-ҳил пишиб, сўнгаклари айрилиб кетгунча қайнатилади. Сўнг устига ун, ёғ, шакар солинади, бир-бирига аралаштириб

қуйилгунча қайнатилади, сўнг ейилади. Бу сўз *қара-қура* тарзида ҳам қўлланади [3,241-242].

“Девон”да нонларнинг пиширилиш усулига кўра ҳам турлича номлари берилган:

1. Тандирда ёки ўчоқда пишириладиган нон номлари: *лочира* – оширилмаган хамирдан юпқа қилиб ёйиб, тандирда сингга қилиб пиширилган нон; *қақурған* – хамирга мой қўшиб, тандирда ва ўчоқда пиширилган нон.

2. Чўғда ёки кулда пишириладиган нон номлари. Бундай нон номлари сирасига *исбирі* (иссиқ кулда пиширилиб, ёққа тўғраб, устига шакар сепиб ейиладиган нон) [2,112], *кўзмән* (кўрда пиширилган нон) [2,296] ҳамда *көмач* (кўмоч. Ўчоқда чўққа кўмиб пишириладиган нон) [2,241] сўзларини киритиш мумкин.

3. Ёғда пишириладиган нон номлари: “ёғли хамирдан қатламлаб ёғ суриб юпқа ёйиб ёғда пиширилган нон” семемаси ҳозирги ўзбек тилида *қатлама* лексемаси билан ифодаланади. Унинг илк эски туркий тилда *қатма жуға* (ёғда пишириладиган қатқат нон (қатлама) [2,289] ҳамда *ўарма ўуғға* [4,41] бирикмалари билан ифодалангани ҳақида маълумот оламиз.

4. Сув буғи билан пишириладиган нон номлари: *чукмін*– қозонда сув буғи билан пишириладиган, осон сингийдиган лочирага ўхшаш бир нон [2,296].

Қадимда нонлар ҳажмига кўра ҳам турлича номлар билан ифодаланган. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида “тандирда ёпиладиган кичкина думалоқ нон” семемаси *кулча* лексемаси билан ифодаланади. Асарда илк эски туркий тилда бу маъно *чурак* ҳамда *тоқуч* лексемалари орқали англашилгани ҳақида ҳам маълумот берилади. Ҳозирги ўзбек тилида *чуррак*, *чуррак нон* “Кавказ халқларининг тўрт бурчак шаклли тарам-тарам миллий нони” [7,517]ни англатади. Асарда *тоқуч* сўзига қуйидагича изоҳ берилади: “*Тоқуч* – тўқоч кулча. Бу сўз *тоқ эр* даги *тоқ* сўзидан олинган. Чунки у тўқ қилади, тўйдиради” [2,240]. *Тўқоч* сўзи ҳозирги ўзбек диалектларида “катта бўғирсоқ” ҳамда “кулча нон, кулча” [7,255] маъноларини англатади. Қадимда ноннинг парчаси, бурдаси учун ҳам махсус номлар қўлланганини *чол* сўзининг изоҳидан билиб оламиз: “*чол* – тутмоч (нон) парчаси,

бурдаси. Бу сўз кесилган, майдаланган уграга нисбатан ҳам қўлланади” [2,218].

“Қовурилган дон, қуритилган нон ва шу кабилардан туйиб тайёрланган емиш” [7,139] семемаси илк эски туркий тилда, ҳозирги ўзбек адабий тилидагидек, *талқон* (толқон) лексемаси орқали ифодаланиши айтилади.

“Девон”да ун маҳсулотларидан тайёрланадиган бир қатор таом номлари ҳам изоҳланган. Масалан, *ўғра* (тутмочдан майинроқ кесиладиган угра оши) [2,103], *авзури* (буғдой, арпа уни аралаштириб қилинадиган овқат), *мўн* (шўрва, “угралик шўрва” (яғмолар тилида) [2,231], *батруш суи* (хамии кўпайиб, суви озайган хамир овқат) [2,306], *сармачуқ* (хамии нўхатдай майдалаб, кесиб тайёрланадиган, касал ва касалга ўхшашлар ичадиган угра ошининг бир тури) [2,344] *қоғурмач // кўғурмоч // қашурмач* (қовурилган буғдой) [2,326] каби.

Маҳмуд Кошғарий *туб* ва *уғум* сўзларига қуйидагича изоҳ беради: “*туб*-буғдойни сувда қайнатилиб, арпа хамири билан аралаштирилиб, бир идишга солиниб, наматга ўраб, иссиқ бир жойга қўйилади, эртасига ейилади” [2,218]; “*уғум*-бўза тайёрлашда ишлатиладиган ачитқининг исми. Бу кўп дорилардан иборатдирки, ундирилган арпа уни билан

аралаштирилади. Кейин қориштирилиб, ғўлакларга ўхшатиб кесилади, сўнг қуритилади. Кейин буғдой ва арпа қайнатилади. Ўша хамир ўғитни (ғўлакни) янчиб, ҳар бир буғдойга бир ғўлакдан сепилади, сўнгра қайнатилган буғдойни тоза бир нарсага ўраб, уч кунгача димлаб қўйилади. Шундан сўнг хумга солинади ва етилгунча ўн кунга қўйилади. Сўнг устига сув қуйиб сузилади. Бу буғдой шароби (бўза)дир” [2,54]

Хулоса қилиб айтганда, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида қўлланган нон концепти билан боғлиқ сўзларни парадигматик ва синтагматик муносабатлар асосида ўрганиш аждодларимизнинг бу муқаддас неъмат билан боғлиқ тушунчалари ҳақидаги фикрларимизни янада ойдинлаштириш учун хизмат қилади. Зеро, “халқ ўз тили ҳақида унинг ибтидосидан бошлаб маълумотга эга бўлса, бу тилнинг турфа товланишлари-ю, таранг ва лўнда мантиғини чуқур ҳис эта олса, ўзининг узоқ ва мураккаб тарихини ҳам чуқур ҳис эта олади, тарихидан фахрлана олади, ўзиникидан бошқа тилларнинг ҳам муқаддаслигига, ҳар жиҳатдан ҳурматга лойиқлигига имон келтира олади. Бу эса халқнинг ўзлигини англаши демақдир [5,82-83].

#### Адабиётлар:

1. Дадабоев Ҳ. “Девону луғотит турк”нинг тил хусусиятлари. —Т., 2017.
2. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғоти-т- турк). 3 томлик. I том. Тўлдирилган ва ислоҳ қилинган иккинчи нашр. —Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2016.
3. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғоти-т- турк). 3 томлик. III том. Тўлдирилган ва ислоҳ қилинган иккинчи нашр. — Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2016.
4. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. —Т.: Ўзбекистон, 1992.
5. Улуқов Н., Абдураззоқова Г. Нон билан боғлиқ умуминсоний қадриятлар ва уларнинг лисоний ифодаси. // Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. — Андижон, 2016. 165-168.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. —Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2007.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд. —Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008.

(Тақризчи: Ш.Искандарова — филология фанлари доктори, профессор).